

ривожлантириш мумкинлигига эътибор қаратган. Сазан, суен (усачь), оқ марка, сила (судак), оқ шабақ (лещ), лақа (лапиш) ва бошқа балиқ турлари кўп бўлган. Орол денгизи ҳавзасида балиқ овлашдан кўра, Петро-Александровск шаҳри ҳудудида овлаш осонроқ ва арзонроқ тушиши ҳақида ҳам фикр юритилган.

Йиллик балиқ овлаш 26000 донага етган. Умумий балиқ овлаш, тарбиялаш, асраш бўйича низом ҳали ишлаб чиқилмаганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Ушбу газетанинг 1890 йил 7 августдаги 32-сониди [12] Орол денгизининг йилига 70 миллиметрча суви пасайиб, йўқолиб кетаётганлиги ҳам айтиб ўтилган. Бу

демак ўша даврлардан бошлаб, Орол денгизи қуриб бораётганлигидан дарак беради. Нукусдан Петроалександровскгача 200 га яқин қайиқларда балиқ овланган. Мақолада дарё балиғи ширинлиги, кўл балиғидан лойнинг ҳиди келиши ҳақида ҳам айтилган.

Савдогарлар Орол денгизидан Астраханга балиқ олиб кетиш анча арзон тушиши, Астрахан балиқчилари Орол балиғидан олиб борган балиғидан 100-200 фоиз фойда кўраётганига аҳамият берилган. Боқари 13200 пуд балиқ, 486 пуд балиқ икраси жўнатилган. Балиқнинг сифати жуда юқорилиги билан ажралиб турган.

Адабиётлар

1. Русский Туркестан. Сборник. Т. I. Приложение к газете «Русский Туркестан». – Т.: Тип. Русский Туркестан, 1899.-С. 87.
2. Положение об управлении Туркестанского края. Том II. Часть 2. – Санкт-Петербург: 1886. – С.1; Положение об управлении Туркестанского края. (Св.Зак. –Т.: II. Издание 1892 г., по прод. 1912, 1913 и 1914 гг.). С разъяснениями Правительствующего Сената (Гражданского Кассац., Уголовного Кассац., Общего Собрания, 1 го и 2 Департаментов), приказами и циркулярами Туркестанского генерал-губернатора и инструкциями и правилами по отдельным частям управления. Составитель: помощник присяжного Поверенного И.Ф.Абрамов. – Т.: Издание кн. Магазины М.Ф.Собберей, 1916 г. – С.26-27.
3. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 17. 4-мая. 1882; Отдел неофициальный. М.Федоровский. По поводу заметки «Уголовная статистика» в Туркестанском крае. // Туркестанские ведомости. № 33. 23 августа. 1883; Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882.
4. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882.
5. Циркуляры Туркестанского генерал-губернатора военным губернаторам и начальникам Зарафшанского округа и Амударьинского отдела. // Туркестанские ведомости. № 18. 11-мая. 1882; Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 43. 2 ноября. 1882; Неофициальный отдел. Циркуляр Туркестанского генерал-губернатора военным губернаторам и начальникам Зарафшанского округа и Амударьинского отдела. // Туркестанские ведомости. № 43. 2 ноября. 1882; Приказы по военному-народному управлению Туркестанского генерал-губернаторства. Отдел неофициальный. // Туркестанские ведомости. № 41. 19 октября. 1882 г.
6. Выгоринский А. Теория мусульманского права. // Туркестанские ведомости. 30 июля. 1910 г.
7. Отдел неофициальный. //Туркестанские ведомости.№ 18, 11-мая 1882г.
8. Местные известия. // Туркестанские ведомости. 2-сентября. 1908.
9. Амударьинский отдел. // Туркестанские ведомости. 25 января. 1875.
10. Аральская флотилия. // Туркестанские ведомости. 8октября. 1874. № 40.
11. Рыболовство в Аральском бассейне. // Туркестанские ведомости. 14 август. 1890. №33.
12. Рыболовство в Аральском море. // Туркестанские ведомости. 7 август. 1890. №32.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола XIX асрнинг охириги чораги ва XX асрнинг бошларида жанубий Оролбўйи қорақалпоқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳоли ва турмушидаги ўзгаришларга бағишланган. Айрим материаллар биринчи марта илмий жумолага киритилмоқда.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящается социально-экономическим, политическим положениям и изменениям в жизни каракалпачков южного Приаралья в последней четверти XIX и начало XX веков. Некоторые материалы вводятся в научный оборот впервые.

SUMMARY

This article is devoted to the socio-economic, political conditions and changes in the life of the Karakalpakhs in the southern Aral Sea region in the last quarter of the 19th and early 20th centuries. Some materials are being introduced into scientific circulation for the first time.

ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУРАҚҚАБ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ – ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Б.А.Алланазарова – таянч докторант

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ижтимоий жараён, мураккаблик, хаотиклик, ночизиклик, ноаниклик, бифуркация, синергетика.

Ключевые слова: социальный процесс, сложность, хаотичность, нелинейность, неопределённость, бифуркация, синергетика.

Key words: social process, complexity, nonlinearity, uncertainty, chaotic, social bifurcation, synergetic.

Замонавий дунёда ижтимоий жараёнлар мураккаб тус олмоқда. Шу сабабдан ҳам ижтимоий жараёнларни мураккаб тизим сифатида тадқиқ этиш уни янгича методологик ёндашувлар асосида ўрганишни, янгича парадигмалар нуқтаи назардан олиб қарашни тақозо этади. Сабаби ҳозирги замон мураккаб ижтимоий жараёнларни анаъанвий методологик ёндашув билан тадқиқ этиш, ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди.

Ҳозирги кунда ижтимоий жараёнларда намоён бўлаётган хаотиклик, ночизиклик, ноаниклик, башорат этиб бўлмаслик, таваккалчилик каби ҳодиса ва жараёнларни фалсафий жиҳатдан тадқиқ этмасдан, ижтимоий тараққиётнинг барқарор йўналишларни кўра билиш мушкулдир. Дарҳақиқат, ижтимоий борлиқ мураккаб тизим сифатида қандай ташкилланганлиги, унинг компонентлари орасидаги мураккаб алоқалар, қонуниятларни топиш талаб этилади.

Ҳамма нарса ва ҳодисаларни оддийлик ва олдиндан

бир қийматли айтиш каби хусусиятларга асосланган классик фандан фарқли равишда, замонавий фан ноаниклик, ночизиклилик, башорат этиб бўлмаслик, бир сўз билан айтганда мураккаблик тизимларни тадқиқ этади. И.Пригожин мураккаблик тизимларни тадқиқ этиб, шундай хулосага келади: «Табиатга бизнинг қарашимиз кўплик, тезкорлик даражасига ва мураккаблик томонга тубдан ўзгаришига даъвогарлик этади. Узоқ вақт мобайнида ғарб фанида оламнинг механистик манзараси доминант бўлди. Биз англадикки, биз плюралистик оламда яшаймиз» ...Биз биламиз, мураккаб тизимлар флуктуацияларга нисбатан юқори сезгирликка эга» [1:34].

Г.Николис ва И.Пригожиннинг ёндашувининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, «мураккаб ҳолатнинг ингредиентлари сифатида мувозанатсизлик, тесқари алоқа, ҳодисаларнинг ўтиш ҳолатлари ва эволюцияни олиб қарашимизга бўлади» [2:53-96]. Дарҳақиқат, И.Пригожин мураккаблик феноменининг фундаментал

белгилари сифатида эволюцияланувчи, орқага қайтмаслик, кўплик, тескари алоқа, ўтиш ҳолатларини олиб қарайди. Демак, ижтимоий жараёнларда ҳам хаотиклик, ноаниқлик, орқага қайтмаслик, кўплик, тескари алоқа, ўтиш ҳолатлари бўлиб турадиган мураккаб хусусиятлар намоён бўлади.

Ижтимоий жараёнларнинг яна бир хусусияти унинг хаотик хусусиятга ҳам эгаллиги. “Биз хаос номли океанни кашф қилдик, аммо унинг юзасидамиз, хаос аввалгидек сир синоатларга бойлигича қолмоқда. Математик ва физикларнинг хаос тўғрисидаги тадқиқотлари денгиздаги бир томчи холос” [3:35]. Хаос—грек мифологиясидаги чексиз қадимий омма, ҳамма мавжудликнинг юзага келиши оқибатини тасвирлайди. Маъносига келсак-тартибсизлик, чигалликдир. Шунингдек, хаоснинг илк бошланғич шароитни ва ҳаракат тизими қонунини билиш, балки, уни келажagini олдиндан аниқ айтиб бериши мумкин. Бундай кўриниши худди оламнинг ҳаракати ҳақидаги классик, Ньютон динамикасига хосдир. Хаос тартибсизлик, тасодифий жараёнлар деб тушунилади, ҳодисалар силжиган пайтда уларни ҳеч қачон олдиндан айтиб бериш, акс эттириш мумкин эмас. Хаос тушунчасини кўпчилик инсонлар бетартиблилик ва номаълумлик билан тенг деб ҳисоблашадилар. Аммо бу ҳамма вақтда тўғри эмас. Хаос қанчалик хаотик характерга эга бўлиши мумкин? Хаосда ҳам маълум тартиблилик мавжуд ва маълум бир қонуниятга бўйсинади [4:54-55]. Аммо бу қонуниятни топиш мураккабдир. Хаос образи фазовий кенгликда – хаотик аттрактор ҳисобланади ва жуда мураккаб тузилишга эга: бу фракталдир. Шунингдек, унинг ғайриоддий хусусиятлари ғалати аттрактор сифатида билдирилади.

Мураккаб ижтимоий жараёнларнинг яна бир ажралмас хусусияти бу – ижтимоий жараёнларнинг ноаниқлиги. Ноаниқлик мураккабликнинг асосий хусусиятларидан бири.

Ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни тасвирловчи маълум қонуниятларни шартли равишда икка турга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- Детерминлашган (бир қийматли аниқланган);
- Детерминлашмаган (бир қийматли аниқланмаган, ноаниқлик шароити).

Биринчи гуруҳга шундай қонуниятлар тегишли бўлиб, муайян аниқланган характеристикадаги таъсир тадқиқ этилаётган объектнинг реакциясини деярли аниқ ўрнатиш мумкин. Масалан, моддий жисм баъзи бир баландликдан ташлансин. Берилган бошланғич шартнинг аниқланганлиги ва ташқи кучнинг жисмга таъсирида унинг тезланишини ўтиш вақтини ва ҳ.к. ҳолатларни бир қийматли аниқ топишимиз мумкин. Ижтимоий жараёнлардаги детерминизмда, масалан, бирор ижтимоий ҳодисанинг оқибатини, худди “А нуктадан В нуктага бориши аниқ” сингари башорат этишимиз мумкин. Аммо бундай башорат этиш, ҳозирги мураккаб ижтимоий жараёнларга доим ҳам хос эмас. Шу сабабдан ҳам инсон доимо турли динамик сиситеманинг самарали тартибга солинган ва тартибга солинмаган жараёнларга тўқнаш келади.

Лаплас таъкидлайдики: менга Оламнинг иккита бошланғич шартларини беринг ва мен уни келажак учун ҳисоблаб бераман. Лаплас бу ерда хатога йўл қўйди, унга ва унинг замондошларига детерминантланган динамик тизим, узок вақтлар давомида амалга ошиши мумкин бўлмаган характер

башорати белгилли бўлмаган эди. XIX юз йилликда француз математиги Анри Пуанкаре биринчи марта ушбу жараёнларни математик моделлаштирди.

Иккинчи гуруҳга қонуниятлари тасодифий ҳодисаларни тасвирлайди. Масалан, ўйин кубигини ташлаганимизда қайси соннинг келиб чиқишини бир қийматли олдиндан айтиб бўлмайди. Мураккаб жараёнларнинг қонуниятларини тасвирлашда доим стохастик характерга эга бўлади.

Тизимдаги ноаниқлик нафақат ундаги параметрлар, шу билан бирга улар орасидаги алоқалар тушунилади.

Тизимда ноаниқлиқнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидаги ҳолатларга таъсир қилади:

- Тизимнинг кўрсаткичлари доим кўп миқдорда, ҳар хил омилларга таъсир қилиб, ҳаттоки уларнинг айримлари тадқиқотчига номаълум бўлади.

- Моделларни қуришда одатда мавжуд ўзгаришларни танлаш чегараланган бўлиб моделни нотўғри ҳолатга олиб келиши мумкин.

Умуман олганда, ноаниқлиқнинг келиб чиқиши сабабларини асосан икки турга бўлишимиз мумкин: субъектив ва объектив томонлари.

Субъектив сабаблар баъзи бир қисман регуляр эмас такрорланувчи жараёнлар билан таъсир қилиб, шу сабабдан амалий масалаларни ечишда уларни ҳисобга олиш етарлича қийинчиликни туғдиради.

Объектив сабаблар эса одатда тадқиқ этилаётган ҳодисанинг моддий ўзига хослиги билан таъсир қилади.

Ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг мураккаблиги, уларни олдиндан бир қийматли башорат қилиб билмаслигимизда. Сабаби, тасодифлар ҳукмронлик этади. Тасодифият “бизларнинг билимларимиз етишмаслиги меъёри” (А.Пуанкаре) [5:415] сифатида аниқланади.

Айниқса бундай жараёнлар ижтимоий бифуркация ҳолатида намоён бўлади. Бифуркация нуктаси мувозанатнинг юқолиши ҳолати ҳисобланиб, жуда кичик таъсирнинг таъсирида эволюция йўллари танлаш имкониятига эга бўлади.

Бизлар учун тизимнинг бифуркация нуктасида ҳолатнинг иккита имкониятимиз мавжуд. Биринчиси, тасодифга эрк бериб, жараёнлар ривожланишини фақат кузатиш, иккинчиси, жараёнларни бошқарув учун бирон бир таъсирни қўлламоқ. Бу каби жараён ҳозирги пандемия шароитида ҳам қўзғатилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Бифуркация нуктасида бундай ҳолат ижтимоий жараёнларда ҳам шундай аналогик ҳолатга эга. Бунда ҳам ижтимоий жараёнлар тасодифий флуктуациялар таъсирида ривожланади ёки жараёнинг кейинги ривожланиш вариантини онгли танлов билан аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, биз мураккаб ижтимоий дунёда, чизикли бўлмаган оламда яшаймиз. Бу ҳақиқатга жавоб сифатида янги парадигмал маданият шаклланиб, тадқиқот методологиясининг ўзгаришига зарурат туғилди. Ҳозирги замон мураккаб ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишда нозиклиги мураккаб тизимлар назариясини (мураккаблик назарияси, хаос назарияси), бир сўз билан айтганда синергетик ёндашувга асосланиш талаб этилади. Сабаби синергетика ижтимоий жараёнлардаги мураккаб хусусиятларни: ўз ўзича ташкилланиш, редукциялашга олиб келинмайдиган, дастлабки шароитга сезгирлиги, ғалати аттрактор, яъни фракталлик, хаотиклик, нозиклиқлик, ноаниқлик ўрганади.

Адабиётлар

1. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой.: Пер. с англ./Общ. ред. В.И. Аршинова., Ю.Л.Климонтовича и Ю.В.Сачкова. –М.: Прогресс, 1986. –С.34, 386.
2. Николис Г., Пригожин И. Познание сложного. – М.: 1990. –С. 53-96.
3. Афанасьева В.В. Детерминированный хаос: феноменологическо-онтологический анализ. Дисс. докт. филос. наук. – Саратов: 2002. –С. 35.
4. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. -Т.: 2018. 54-55-б.
5. Пуанкаре А. О науке. 1990 -М.: 1990. –С.415.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ижтимоий жараёнлар мураккаблигининг ночизиклиги, хаотиклик, ноаниқлик, ижтимоий бифуркация сингари хусусиятлари назарий-фалсафий жиҳатлари тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуются теоретико-философские аспекты сложности социальных процессов, такие как нелинейность, неопределённость, хаотичность, социальная бифуркация.

SUMMARY

This article explores the theoretical and philosophical features of the complexity of social processes, such as nonlinearity, uncertainty, chaotic, social bifurcation.

УДК.231-232;-78

ЗАМОНАВИЙ ТЕАТРНИНГ ЖАНР СОХАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАРИ

Г.Ходжаметова – тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, спектакль, жанр, иллюзия, матн, нутқ маданияти.

Ключевые слова: театр, спектакль, жанр, иллюзия, текст, культура речи.

Key words: theater, performance, genre, illusion, text, speech culture.

Замонавий театр жанрларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг бирини адабий-постдраматик ёндашув деб аташимиз мумкин. У театрда сахна қонуниятларини чуқур англаган ижрочининг (яъни постановкачи-режиссёр бошчилигидаги ижодий бирликлар жамоасининг) янги роли билан боғлиқ жанрий эксперимент сифатида намоён бўлади. Адабий тасвирлашнинг ўзи сахнада ҳам тасвирлаш объекти бўлади. Бундай вазият қуйидагиларни келтириб чиқаради:

- матн (адабий асар) ўйин ва театр ҳаракатларининг юзага келишига сабаб сифатида асос ҳисобланади, театр у ёки бу пьесани тадқиқ қилиш билан эмас, балки у ёки бу муаллифни тадқиқ қилиш билан шуғулланади;
- спектаклнинг яшашининг асосий методи ва шакли сифатида ҳикоя култи, нутқ маданияти эса асосий ифодаловчи восита сифатида мустаҳкамланади;
- томошабин борлиги суҳбатдош, баъзида спектаклнинг ҳаммуаллифи сифатида кўзда тутилади;
- фикрлаш, иллюзиялар, тушунишлар драматургияси персонажларнинг ҳатти-ҳаракати ва муносабати драматургиясига муқобил тарикасида тақдим этилади.

Адабий театр сахнага олиб чиқиш учун эмас, балки ўқиш учун ёзилган асарларни сахналаштириш бошланган вақтдан бери ўзини намоён этиб келмоқда. Бу ерда адабий асарларни инсценировкалаш (адаптациялар, сахнавий муҳаррирлик, сахна учун қайта ишлаш) ҳодисаси юз бериб, айна вақтда ушбу инсценировкалар ва қайта ишлашларни сахнада ифодалаш ва унга мос театр тилини қидириш муаммоси пайдо бўлади [1:76].

Натижада адабий театрда «ҳаракат» категорияси купрок актёрларга эмас, балки томошабинга юклатилади. Эндиликда у - томошабин - ечимини топади, ноаниқ нарсаларни тушуниб олади, айна вақтда актёрлар (режиссёрлар, художниклар) иқтибос келтиради ва деконструкциялайди - ва бунинг барчаси жаҳон матни ва конкрет матн, яъни у ёки бу асар доирасида кечади. Аммо, яна битта тутатиш нуқтаси мавжуд: у диалогдир, аниқроғи

- ўйинда (диалог шакли сифатида). Ўйин ҳар қандай бир ўлчовли мантиқ доирасидан чиқишни амалга оширади.

Ҳикоя диалог шакли сифатида адабий театрда турли хил функцияга эга бўлади. Бу турли кўринишларда намоён бўлади: ҳақиқийлик, ҳужжатларга асосланганлиги исботлаш; экстрементал тажрибага эга бўлиш; интеллектуал бошқарув ва ҳ.к. Бу вазиятда актёрлар - фақат матн ижрочилари, улар муайян (кўпинча нуткий) темп-ритмга бўйсунгани зарур бўлади. Бунда К.Станиславскийнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Фаоллик, ҳақиқий, самарали, мақсадга мувофиқ ҳаракат - ижодда, демак, нутқда ҳам энг муҳими! Гапириш - демак яшаш» [2:92].

Айна вақтда олмон олими Х.Леман адабий театрни бир қанча кенг жанрий йўналишларга ажратган ҳолда кўрсатади. Постдраматик театр «XX асрнинг охиригача бирининг театр ва драматик шакллари рағбатланган ўзгаришларини ўзига қамраб олади». «Пост», яъни «кейинги» дегани, ўнинг фикрича, драманинг яшаши давом этаётганлигидан гувоҳлик беради, лекин «нормал» театрни янги театр концепцияси доирасида заифлашган, эскирган структураси сифатида» [3:109].

Бундай театрда ижроҳига эмас, айна томошабинга маъноларни конструкциялаш вазифаси юклатилади.

Постдраматик театр постмодернистик театрга яқин. Бундай театрга ҳаракат категорияси эмас, балки ҳолат категорияси хос, бу ерда асосийси - тарих эмас, тасвирлаш. Театрдаги ҳаракат томошабинга тақлиф этилган фалсафий, илмий ва эстетик мавзулардаги театрлаштирилган фикрлаш билан алмаштирилади. Шакллар тили постдраматик театрда ишоралар арсенали бўлиб хизмат қилади. Театр жанрдан ташқари структуралар томонига фаол ҳаракат қилмоқда, бунда у илгарирок пайдо бўлган концепцияларни қарама-қарши ҳолатга, зиддиятлар поэтикаси ва эстетикасида ўз-ўзини аниқламоқда.

Постдраматик театрни чегара ҳолатининг бири рассомлик театридир, унда муаллиф режиссёр эмас, балки рассомдир. У «спектаклни макон ва замонда акс этаётган визуал композициялар структураси тарикасида баҳолайди»; театр ва реал тажрибага интилган амалий шакллар ўртасидаги чегаралар ювилиб кетади.

Постдраматик давр театр маданияти анъанавий театр майдончаларидан чекинишга интилмоқда. Шундай қилиб «кичик сахна»нинг хусусиятларини янги таърифлаш юзага келади (асло XX аср ихтироси эмас, шунчаки ушбу сахна хусусиятлари янги давр режиссёрлари томонидан янги фойдаланиб бошланди) - «метонимик макон». Бундай маконнинг асосий вазифаси бошқа ҳаёлий дунёнинг рамзий англатилиши бўлиб хизмат қилиш эмас, балки ўйиннинг умумий реал макони сифатида театр маконининг бир қисмини биринчи планга чиқариш. Метонимик макон постдраматик театр спектакллари томошабин аудиториясининг тор доирасига олиб киради. Кенг томошабиндан ёпиқлик, ижоднинг мезонлари ва мулжалларининг йўқлиги спектакл муаллифларини ўларнинг ижодини объектив баҳолашнинг йўқлигига асосланган барча нарсанинг жоизлигига провакациялайди. Бу эса театрни ривожланиши ҳар сафар у ёки бу театр асарига хос бўлган қонунларга бўйсунган ҳолда эмпирик йўл билан бораётганлигини кўрсатади [4:146].

Ўз ичига тўрли хил йўналишларни қамраб олиб ушбу жанрий кўплик замонавий театр маданиятининг адабий-постдраматик нуқтаси деб номланиши мумкин.

Замонавий маданият томошабинларда янги хусуси-